

УЎК: 65.9

## БАНК ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ЖИНОИЙ ЙЎЛ БИЛАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

**Ганиев Адҳамжон Норбой ўғли,**  
таянч докторант

Тошкент давлат иқтисодий университет

**Аннотация.** Мамлакатимизда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиши муаммоси иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мақолада банк тизими орқали жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш усуллари тушунчасига бўлган назарий қарашларни тадқиқ этиши билан биргаликда, унинг мамлакатимиз ва, хусусан, ҳудудларни ривожлантиришдаги аҳамиятини ўрганиши ҳамда иқтисодий хавфсизликни ўз вақтида таъминлашнинг муҳимлиги бўйича хулосалар шакллантирилган. Мазкур мақсадга эришиши учун пул маблағларини ювиши бўйича уч фазали модель, яъни жиноий йўл билан банк векселлари операцияларидан фойдаланган ҳолда олинган нақд пул маблағлари, қимматли қогозлар бозоридан олинган даромадлар ҳамда жисмоний шахс ҳисоб рақамлари ёрдамида олинган даромадларни легаллаштириш усуллари таҳлил этилди. Тадқиқот давомида банк тизими орқали жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва унинг иқтисодий хавфсизликка таъсирига оид турли услуб ва схемалар ўрганилди.

**Таянч тушунчалар:** иқтисодий хавфсизлик, легаллаштириш, жиноий схемалар, пул маблағларини ювиши, молиявий операциялар, интеграция, тақсимлаш, бўлиниши, қимматли қогозлар.

## МЕТОДЫ ЛЕГАЛИЗАЦИИ ОТМЫВАНИЯ ДОХОДОВ, ПОЛУЧЕННЫХ ПРЕСТУПНЫМ ПУТЕМ, ПОСРЕДСТВОМ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ

**Ганиев Адҳамжон Норбой ўғли,**  
докторант

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** Проблема борьбы с отмыванием доходов в нашей стране является важной составляющей обеспечения экономической безопасности. В этой статье, наряду с изучением теоретических взглядов на концепцию методов легализации доходов через банковскую систему, автор стремится определить ее значение для развития нашей страны и, в частности, регионов, а также сделать выводы о важности своевременного обеспечения экономической безопасности страны. Для достижения этой цели использовалась трехэтапная модель отмывания доходов при помощи операций с банковскими векселями, сделок на рынке ценных бумаг и отдельных счетов. В результате исследования автором были изучены различные методы и схемы отмывания преступных доходов через банковскую систему с целью их легализации, их влияние на экономическую безопасность страны.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, легализация, криминальные схемы, отмывание денег, финансовые операции, интеграция, распространение, разделение, ценные бумаги.

## METHODS OF LEGALIZATION OF LAUNDERING OF PROCEEDS FROM CRIME THROUGH THE BANKING SYSTEM

**Ganiev Adkhamjon Norboy ugli,**  
PhD student

Tashkent State University of Economics

**Abstract:** *The problem of combating money laundering in our country is an important component of ensuring the economic security. The article, along with theoretical views regarding the concept of money laundering methods through the banking system, is aimed to study its significance for the development of the country, in particular of the regions, and draw conclusions on the importance of timely economic security. To achieve this goal, a three-stage model of money laundering was used, i.e. money laundering using bank promissory note transactions, money laundering in the securities market, and methods of money laundering using separate accounts. Based on the results of the research, the author developed various methods and schemes of money laundering through the banking system in order to legalize criminal proceeds and their impact on economic security.*

**Keywords:** *economic security, legalization, criminal schemes, money laundering, financial transactions, integration, distribution, division, securities.*

### Кириш

Глобаллашув ва трансчегаравий капитал оқимининг тезлашиши халқаро миқёсда тобора кучайиб бораётган уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратди. Ноқонуний равишда жиноий гуруҳлар томонидан қўлга киритилган капитал ташкилотчиларни шахсий бойитиш, шунингдек, улар фаолиятининг энг хавфли бўлган терроризм жамияти фаолиятининг турли йўналишларини таъминлаш учун ажратилган. Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг жиноятчиларга қарши кураш чоралари ноқонуний даромадлардан фойдаланиш имкониятларини кескин чеклайди.

Ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, уларнинг ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, банк муассасаларида шартнома асосида тегишли ҳисоб варақларда ўз бўш пул маблағларини сақлайди. Агар жиноий даромадлар асосий жиноятни содир этиш натижасида (масалан, фирибгарлик) юридик шахснинг банкдаги ҳисоб варағида бўлса ёки қонуний фаолиятдан олинган даромад ниқоби остида ҳисоб рақамига кирган бўлса, пул нақдсиз тўлов билан расмийлаштирилади. Бир ёки бир нечта банклар билан қобили компания номидан жиноий фаолият жараёнида қонун чиқарувчи банк ҳисоб варағи (ҳисоб-китоб, жорий, валюта, кредит), ҳисоб-китоб ва касса хизматлари шартномасини тузади. Компания Банк-Мижоз электрон тизими орқали банк билан хизмат шартномасини тузиши мумкин. Бунинг учун электрон калит компанияга узатилиб, реал вақт режимида компания ҳисоб рақамларига узоқдан киришни таъминлайди.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банк тизими орқали жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш категорияси мазмунини етакчи олимлар ва соҳа

мутахассислари талқинида бир нечта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Хусусан, А. Бекряшев, «Хуфёна иқтисодиётнинг тузилишида қуйидаги асосий йўналиш ёки блокларни ажратиш мумкин. Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришга реал ҳисса қўшадиган ишлаб чиқариш сектори (ноқонуний иқтисодиёт): а) ноқонуний равишда, масалан, лицензиясиз ёки махсус рухсатномасиз амалга оширилган юридик фаолият; ҳуқуқий иқтисодиётда яширин ишлаб чиқариш; б) ноқонуний иш билан таъминлаш; в) қонун билан тақиқланган иқтисодий фаолият. Хуфёна иқтисодиётнинг қайта тақсимланадиган секторига турли хил иқтисодий жиноятлар киради», деб ёзади [1]. Е.В. Золотарев, «Ҳозирги вақтда пул ювиш фаолияти жиноий схемаларнинг доимий равишда мураккаблашиши, ноқонуний операцияларнинг тезлашиши ва транзит банк ҳисоб варақларидан фойдаланиш зарурати билан тавсифланади», дея таърифлаган [2].

Ўзбекистон иқтисодиётида хуфёна иқтисодиётнинг ЯИМ улуши тўғрисидаги маълумотлар турлича бўлишига қарамай унинг даражаси иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Хўжаев таъкидлаганидек, «бугунги кунда Ўзбекистоннинг хуфёна иқтисодиёт даражаси тахминан 45-46 фоизни ташкил этмоқда» [3], деган фикрлари ҳақиқатга мос келади. Чунки кейинги пайтларда республикамизда валюта сиёсатини либераллаштириш ва даромад солиғидаги ўзгаришлар хуфёна иқтисодиёт даражасининг сезиларли пасайишига олиб келди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Дилором Ортиқованинг «Иқтисодий хавфсизлик» номли ўқув қўлланмасида [4] мамлакат иқтисодий хавфсизлиги масалалари, унга бўладиган таҳдидлар, унинг

кўрсаткичлари, мезонлари ва қўйи чегаравий миқдорлари тўғрисида маълумот берилади.

Унда глобаллашув жараёнларининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда регионал ташкилотларнинг ўрни ва роли, терроризм, хуфиёна иқтисодиёт, коррупция ва уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсири масалаларига алоҳида ўрин берилган.

Лекин мамлакатимизда жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича алоҳида ўқув адабиётлар йўқ. Бу йўналишда фақат айрим илмий мақолаларнигина учратиш мумкин. Шу муносабат билан ушбу мақолада жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришнинг турли усул ва услублари тадқиқ этилиб, уларни легаллаштиришнинг турли схемалари ўрганилди.

**Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақоланинг методологиясини дедукция, абстракция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, назарий талқин ва таҳлилий услублар ташкил этиб, улардан фойдаланиш ва библиографик ўрганиш натижасида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар ва зарурати аниқланган.

**Таҳлил ва натижалар**


Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришнинг усул ва услублари мунтазам такомиллашиб бормоқда. Уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томо-

нидан аниқланиши тобора кучаймоқда. Оддий схемалар ўрнини янада мураккаброқ кўп поғонали схемалар эгаллаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий молия оқимларини аниқлаш жуда мушкул бўлиб қолмоқда. Бир қатор экспертлар уларни тузиш бўйича изчил қадамлардан таркиб топган муайян умумий базавий тамойилларни қайд этмоқда.

Пул маблағларини «ювиш» бўйича жиноий схемалар ташкил этиладиган энг кенг тарқалган моделлардан бири уч фазали модель бўлиб, у 1-расмда келтирилган. Моделга кўра, жиноий даромадларни легаллаштириш қуйидаги учта фазалардан таркиб топган: тақсимлаш (placement), бўлиниш (layering) ва интеграция (integration). Схемага қараб мазкур босқичлар комбинацияланиши, бири-бирининг устига қўйилиши, дисперсияланиши мумкин.

Тақсимлаш (placement) – банк муассасалари ёки фонд бозори дастакларида нақд пулларни учинчи шахс ҳисоб рақамига жисмоний ўтказишни ўзида намоён этади. Мазкур фаза пул маблағлари нақд шаклининг нақдсиз шакли (нақдсизланиши)га ҳаракатланиши билан таснифланади. Нақд пулларнинг келиб тушадиган ҳисоб рақам эгалари кўпинча талабалар, ижтимоий ҳимояланган фуқаролар тоифаси ҳамда муайян турар жойга эга бўлмаган шахслар ҳисобланади.

Нақд шаклдаги йирик пул маблағларини тақсимлаш босқичи пул маблағларини «ювиш» жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун энг шаффоф ва аниқлаш осон бўлган босқич ҳисобланади. Жиноий йўл орқали



1-расм. Пул маблағларини «ювиш» бўйича уч фазали модель [1]

олинган пул маблағлари кўпинча айнан мана шу босқичда аниқланади (1-расмга қаранг).

Бўлиниш (layering) ноқонуний йўл билан олинган даромадларнинг келиб чиқиш манбаларини яшириш мақсадида бир қатор чалкаш молиявий транзакцияларни олиб бориш орқали ушбу даромадларни уларнинг манбаларидан ажратишни ўзида намоён этади. Мазкур босқичда ҳуқуқбузарлар томонидан кўпинча банк тўлов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозлар харид қилинади. Агар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур операциялар аниқланмаган бўлса, унда жиноятчиларнинг кейинги босқичдаги қидируви ўта мураккаб бўлади.

Интеграция (integration) – легаллаштиришнинг якуний босқичи бўлиб, у жиноий шахслар ўз хўжалик фаолиятида фойдаланишни режалаштирган жиноий йўл орқали олинган сармояларга қонуний мақом беришга қаратилган. Мазкур босқичда пул маблағлари, одатда, юқори рентабелли тадбиркорлик фаолияти соҳаларига қўйилади. Шундай қилиб, пул маблағларини ювиш учинчи фазасидан кейин жиноий йўл орқали олинган пул маблағлари гўё келиб чиқиши қонуний бўлган иқтисодиётга қайта юборилади. Барча легал-

лаштириш босқичлари якунига кўра, жиноий схемалар элементлари ва итерацияларни аниқлаш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида мавжуд бўлган жиноят доирасида норасмий хабар берувчилар тармоғи ёрдамидагина амалга оширилиши мумкин.

Қуйида биз олиб борган тадқиқотларимиз асосида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш бўйича намунавий схемаларни ишлаб чиқдик.

1-схема. Банк векселлари ёрдамида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш (2-расмга мувофиқ). Ноқонуний сармоя эгаси нақд пул маблағларини воситачига бериб, оз миқдорда комиссия қўйиб, банклардан бирида оддий ўтказадиган банк векселларини харид қилади ва биринчи вексель сақловчига айланади.

Кейинчалик воситачи уларга иккинчи вексель сақловчи учун индоссамент қўяди. Умуман, вексель шу тарзда занжири бўйича бир нечта воситачиларга ўтказиб берилиши, охирида, бирламчи эгасига қайтарилиши ва уни тўлаб бериш учун банкка тақдим этилиши мумкин. Олинган пул маблағлари кредит ташкилотлари кассасида нақдланади ёки жиноятчи учун зарур бўлган банк ҳисоб рақамига ўтказилади.



2-расм. Банк векселлари операцияларидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл орқали олинган нақд пул маблағларини легаллаштириш\*

\*Манба: муаллиф ишланмаси.

Мазкур схеманинг ўзига хос жиҳати векселларни тўлаб бериш учун тақдим этгунга қадар унинг воситачилар бўйича ҳаракатланиш даври қисқалиги ҳамда мазкур ҳаракатларнинг яққол иқтисодий мазмуни йўқлигидадир. Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришнинг ушбу схемаси фақатгина векселларни тўлаб бериш учун тақдим этилган ҳоллардагина банкнинг ички назорат хизмати томонидан аниқланиши мумкин.

2-схема. Қимматли қоғозлар бозорида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш (3-расмга мувофиқ). Ноқонуний капитал эгаси брокерни ёллайди. Нақд пул маблағлари (миқдор, одатда, махсус қонунларда белгиланган чегарадан ошмайди) кассага ўтказилади ва махсус брокерлик ҳисоб рақамига кўйилади, яъни нақдлаш жараёни содир бўлади.

Эгаси қимматли қоғозларни харид қилиш учун брокерга топшириқ беради. Фонд бозорининг ўзгарувчан конъюнктурасини ҳисобга


олган ҳолда брокер банкда акция ва облигацияларни харид қилиш мақсадида нақд пулларни олиш билан боғлиқ кўплаб операцияларни амалга ошириш иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ҳақида шубҳа туғдирмайди.

Мазкур ҳолатда ноқонуний ҳаракатларнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар ҳисобланади: қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциядан максимал фойда олишда мижозларнинг манфаатдор эмаслиги ҳамда пул маблағлар айланмаси даврининг қисқалиги.

3-схема. Жисмоний шахс ҳисоб рақамлари ёрдамида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш (4-расмга мувофиқ). Мамлакат банкларидан бирида жисмоний шахслар кўплаб ҳисоб рақамлар очиб, уларга хорижий банклар орқали қатор учинчи давлатдан хорижий валютада пул маблағлари кўйилган.


Сўнг пул маблағлари йирик миқдорда ечилади ёки турли давлатларга жисмоний ёки юридик шахс-норезидентлар ҳисоб рақамларига

1) Мижоз томонидан қонунийлаштирилган маблағларни чиқариш



3-расм. Қимматли қоғозлар бозорида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш\*

\*Манба: муаллиф ишланмаси.



**4-расм. Жисмоний шахс ҳисоб рақамлари ёрдамида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш\***

\*Манба: муаллиф ишланмаси.

ўтказилади. Кўпинча пул маблағлари Европа давлатларидан бирига битта контрагентга ўтказилади.

Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришдан далолат берадиган белгилар:


- хориждан ўтказилган йирик миқдордаги маблағларни жисмоний шахс-норезидентлар ҳисоб рақамига ўтказиш;
- жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларидан хорижда ўтказмалар учун транзит ҳисоб рақамлари сифатида фойдаланиш;
- турли жисмоний шахслар томонидан хорижий банкда битта жисмоний шахс ҳисоб рақамига ўтказмаларни амалга ошириш;
- жисмоний шахс ҳисоб рақамларидан йирик миқдордаги хорижий валютани ечиш.

4-схема. Хизматлар импортидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш усули 5-расмда энг мураккаб схемалардан бири сифатида келтирилган.

Ноқонуний қисмини яшириш мақсадида импорт қилувчи фирманинг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари турли манбалардан тўпланиши мумкин: назорат остидаги бир кунлик компаниядан ёки ҳаттоки жиноий схемага жалб

қилинганлигини гумонсирамаётган инсофли фирмдан қарз олиш; банкда векселларни сотишдан тушган тушум; банкдаги кредит линияси. Шунингдек, керакки, банк кредити хизматлар импортини тўлаш учун хорижга йўналтириладиган жиноий йўл орқали олинган пул маблағларини қўшимча тарзда яширишга имкон беради. Кредитлар, векселларни сотиш ва бошқа фаолиятдан тушган киримларни аралаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишини мураккаблаштиради. Натижада жиноий йўл орқали олинган маблағлар оффшор компаниялар билан ўзаро сохта ҳисоб-китоблардан кейин оффшор банкдан ўтказилиб, унда ташкилотчи жиноий схемаси орқали ушбу пулларни ечиб олади.

Шунингдек, мамлакатимизда бу усул қўлланилмаса-да, йўл чеклари орқали давлат маблағларини легаллаштириш қўшни мамлакатларда кенг тарқалган схемалардан бири ҳисобланади. Республикаимизда йўл чекларини қўллаш имконияти мавжуд эмас. Россияда бу схема аксарият ҳолларда учраб туради. Биз қуйида йўл чеклари ёрдамида бюджет маблағларини талон-торож қилишдан тушган даромадларни легаллаштириш (6-расмга мувофиқ) схемасини келтираимиз.



**5-расм. Хизматлар импортидан фойдаланган ҳолда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш\***


\*Манба: муаллиф ишланмаси.

Транспорт тизимини қуриш билан шуғулланувчи қандайдир «А» йирик қурилиш компанияси давлатнинг коррупцион мансабдор шахси билан шахсий танишлиги туфайли автомобиль тармоғи қуриш учун давлат тендерини ютган ва кейинчалик давлат бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳани амалга ошириш учун пудрат ишларини олган.

Компания томонидан миллионлаб буюртмалар сифатли ва ўз вақтида бажариб келинмоқда, бироқ сметаларда кўрсатилган амалга оширилган харажатлар суммаси ва бажарилган ишлар ҳажми гўё ҳаддан ташқари кўп.

Қурилиш-монтаж ишлари нархларини ошириш ва бажарилган ишлар ҳажмини қўшиб ёзиш натижасида «А» компаниянинг талон-тароғга оид фаолиятдан тушадиган жиноий йўл орқали олинган даромади шаклланиб борган. Ушбу маблағларнинг бир қисми мансабдор шахсларга пора сифатида йўналтирилган. Иккинчи қисмини эса «А» компания раҳбари ривожланган Европа давлатларидан бирида легаллаштиришга қарор қилган.

Шу мақсадларда «А» компания жиноий йўл орқали олинган пул маблағларини хусусий уйларни қуриш учун инвестиция қилиш нияти билан Европа давлатларидан биридаги



**6-расм. Йўл чеклари ёрдамида бюджет маблағларини талон-торож қилишдан тушган даромадларни легаллаштириш\***

\*Манба: муаллиф ишланмаси.

банкда ҳисоб рақами очади. Нақдсиз ўтказма хорижий давлат ҳудудида ҳақиқий фаолияти йўқлиги ва маҳаллий ваколатли органлари назарига тушиш хатари юқори бўлганлиги туфайли жуда мураккаб жараёнدير. Шу боис «А» компания раҳбарлари талон-торож қилинган пул маблағларини йўл чекларига ўтказиш, сўнг уларни чегара ташқарисига олиб чиқади, у ерда эса бу пулларни яна нақдлайди. Кейин пул маблағлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилади (пул маблағларини ўтказиш сабабининг исботи сифатида – Россияда «А» компаниянинг реал фаолияти пул маблағларининг келиб чиқишини тушунтириш учун етарли асос бўлади, деган фараз ётади). Кейинчалик мазкур пул маблағлари Европада мол-мулкка инвестиция қилинади. Шу билан мазкур

маблағларнинг келиб чиқиш манбалари янада чигаллашади.


Мазкур ҳолатда жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш мумкинлигидан далолат берувчи белгилар қуйидагилар ҳисобланади:

- ҳисоб рақамига ўтказиладиган пул чекларини сотишдан тушадиган катта миқдордаги пул маблағлари;

- ҳисоб рақамига айнан йўл чекларидан пул маблағлари келиб тушишининг доимийлиги.

Жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштиришнинг кенг тарқалган усулларида бири кредит схемаси орқали легаллаштиришдир. Кредит схемалари ёрдамида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш 7-расмда келтирилган. Жиноят-





**7-расм. Кредит схемалари ёрдамида жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш\***

\*Манба: муаллиф ишланмаси.

чилар «А» компанияни рўйхатдан ўтказди ва банкларнинг биридан ўз мол-мулки, масалан, жиноий йўл орқали олинган кўчмас мулкни гаров таъминоти остига қўйган ҳолда ушбу бизнесни ривожлантириш учун кредит олади. Шундан сўнг мазкур шахслар берилган кредит маблағларини қандайдир оффшор банкидаги ўз ҳисоб рақами (ёки сохта хизматларни тўлаш сифатида бир кунлик фирмалар ҳисоб рақамлари)га ўтказди ҳамда ўзининг «А» компаниясини банкрот деб эълон қилиб, уни тугатади. Ўз навбатида, қарздорнинг мажбуриятларини тўлаш ҳисобига ушбу компаниянинг кўчмас мулки мазкур сохта компанияга кредит берган банкка ўтади. Натижада жиноий йўл орқали олинган даромад расмий кредитга алмашинади, яъни расмий келиб чиқиш манбасига эга бўлгандек гўё. Бу эса фирибгарларга кейинчалик ушбу маблағларни ўз мақсадлари йўлида эркин фойдаланишга имкон беради.

Шундай қилиб, «даромадларни легаллаштириш» (ювиш) атамасининг келиб чиқиш тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар мазкур ҳодисанинг иқтисодий ва юридик моҳияти тўғрисида назарий-амалий тасаввурини чуқурлаштириш ҳамда тадқиқотнинг ту-

шунчалар апаратини шакллантириш ва чегараларни қўйишга имкон берган.

Бундан ташқари, жиноий схемаларни шакллантиришнинг функционал моделларини ўрганиш мавжуд алоқаларни даромадларни легаллаштириш (ювиш) билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг йиғиндиси сифатида мавҳумлаштиришга имкон беради.

#### **Хулоса**

Келтирилган жараёнларнинг моҳиятини тушунишга асосланган жиноий схемаларнинг таҳлили кредит ташкилотларнинг ҳар бири ушбу схемаларни амалга оширишда муҳим амалий ролини белгилаб беради. Кўриб чиқиладиган жараённинг ажралмас субъекти сифатида намоён бўлган банкка асосланган умумтаркибий базис ва жиноий-қидирув алоқаларни тузиш борасидаги ўхшаш мантиғи ҳам жиноий йўл орқали олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини, ҳам ПЮ/ТМҚК мақсадларида кредит ташкилотларини алоҳида назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Шу билан бирга, ушбу усулларни ишлаб чиқиш жараёнида шуни эътиборга олиш ке-

ракки, жиноий схемалар ҳам тобора мураккаблашиб бормоқда. Қонунга зид фаолият билан шуғулланувчи субъект инсон эканлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, жино-

ятчилар фаолиятини белгилаб берувчи мотив ва омиларнинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш асосида чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқдир.

### Манба ва адабиётлар

1. Бекряшев А. Теневая экономика и экономическая перступность [Электронный ресурс] / А.К. Бекряшев, И.П. Белозеров, Н.С.Бекряшева. – Режим доступа: <http://newasp.omskreg.ru/bekryash/>.
2. Золотарев Е.В. Совершенствование системы противодействия легализации преступных доходов и механизмов контроля в кредитных организациях. Автореф. дисс.... к.э.н. – Москва, 2014.
3. Ўзбекистоннинг хуфиёна иқтисодиёт даражаси ошкор этилди. [kun.uz](http://kun.uz)
4. Ортиқова Д. Иқтисодий хавфсизлик. – Т.: 2010. Ўқув қўлланма.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сонли қонуни таҳририда — қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон.
6. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами». – 2017 й. 29 май. – 21-сон. – 401-модда.

#### Тақризчи:

Исроилов Б. И., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, «Ижтимоий фанлар ва психология, юридик этика» кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази.